

УЎТ: 634.13

НОКНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН НАВЛАРИДА ФЕНОЛОГИК ФАЗАЛАРНИНГ ЎТИШИ ҲАМДА ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17388731>

Язилова Замира Бахадировна

<https://orcid.org/0009-0005-4680-7365>

*Академик М.Мирзаев номидаги боздорчилик, узумчилик ва виночилик илмий
тадқиқот институти*

Аннотация

Нокнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навларида фенологик фазаларнинг ўтиши турлича бўлиб, жами 17 та навдан вегетацияни 8 та нав эрта бошлаган, энг кеч гуллаган Рояль зимняя, Левовассер, Зимняя нашиваты ва Юбилейная каби навларни келтиришимиз мумкин. Юбилейная, Салом, Сары Гузаль навларида энг юқори ҳосилдорлик кузатилган бўлиб, ушбу навлар 1 туп дарахтидаги ўртача ҳосил миқдори 55-73 кг ни ташкил этди.

Калит сўзлар

нок, нав, маҳаллий, интродукция, фенология, ҳосилдорлик.

Аннотация

Фенологические фазы в местных и интродуцированных сортах груши проходили по-разному: из 17 сортов 8 сортов начали вегетацию раньше всех, тогда как позднее всех цвели такие сорта, как «Рояль зимняя», «Левовассер», «Зимняя нашиваты» и «Юбилейная». Наивысшую урожайность наблюдали у сортов «Юбилейная», «Салом» и «Сары Гузаль», при этом средний урожай с одного дерева составил от 55 до 73 кг.

Ключевые слова

груша, сорт, местный, интродукция, фенология, урожайность.

Abstract

The phenological stages varied between local and introduced pear (Pyrus) cultivars. Among a total of 17 cultivars, 8 initiated vegetation early, while the latest flowering cultivars included Royal Zimnyaya, Levowasser, Zimnyaya Nashvaty, and Yubileynaya. The highest yield was observed in the cultivars Yubileynaya, Salom, and Sary Guzal, with an average fruit yield per tree ranging from 55 to 73 kg.

Key words

pear, variety, indigenous, introduction, phenology, yield.

Кириш. Нок-олмадан кейин энг кўп тарқалган мева экини бўлиб, мевасининг мазалиги билан қадрланади. Нок мевалари янгилигича истеъмол қилинади, қоқи, консерва, сукат, повидло, мураббо, шарбат, вино, бекмес (нок асали) тайёрланади.

Ўзбекистонда етиштириладиган нок таркибида 10,8-12,7 % гача шакар, 0,13-0,30 % кислоталар, 0,35 % га яқин пектин ва 0,31 % кул бор. Ўзбекистоннинг иқлим шароити нок учун унчалик қулай эмас, лекин шунга қарамаздан бизда қурғоқчиликка, иссиққа, касаллик ва зараркунандаларга чидамли маҳаллий навлари мавжуд.

Нокнинг Европа навлари шох-шаббаси сийрак, ихчам, кўпинча пирамида шаклида, новдалари юқорига тик ўсган бўлиб, йўғон шохларида ҳосил новдалари зич жойлашган, уларда барглар ҳамда ҳосил органлари жуда кўплиги билан характерланади.

Нок айрим маҳаллий навлари бир туп дарахтдан 1000-1400 килограммгача ҳосил бериши мумкин. Нок олма каби мўътадил иқлим ўсимлиги бўлсада, иссиқликни кўп талаб қилади, совуққа камроқ чидамли ва олмага нисбатан узоқ яшайди, 100-150 йил, баъзан эса 200 йилгача умр кўради. Бизнинг шароитимизда 10 га яқин маҳаллий навлари ўстирилади. Нокнинг 60 га яқин ёввойи турлари учраб, шундан мевачиликда: Жайдаринок, Ўрта осие ноки, Туркман ноки, Усури ноки, Нашвати, Тол баргли нок ва регель ноки аҳамиятга эга [1; 18-б.].

Қрим ва Шимолий Кавказ нок экиладиган асосий минтақалар ҳисобланиб, Ғарбий Европанинг энг яхши навлари асосида истиқболли навлар яратилган. Улар кейинчалик Украинага ҳамда Ўрта Осиёга мослаштирилган.

Ўрта Осиёда бошқаларига нисбатан кам аҳамиятли навлари тарқалган. Нокнинг Европа навлари (Оливье де серр, Бере боск, Бон кретъен, Вильямс ва ҳоказолар) XIX асрнинг охиридан бошлаб экиб ўстирила бошланди, лекин ҳавонинг қуруқлиги ва иссиқлиги туфайли худди Қримдагидек кенг тарқала олмади. Нокни тоғ олди ва тоғли туманларда ўстириш катта аҳамиятга эга, чунки бундай жойларда яхши ўсади ва мазали мева беради [2; 9-б.].

Нокнинг калмараз (кўтир, парша) касаллиги нокда дунёнинг барча мамлакатларида, жумладан Марказий Осиё давлатларида ҳам тарқалган, Ўзбекистонда барча вилоятларда учрайди. Касаллик нок дарахтларининг барг, гулкосабарглари ва меваларини, мева ва барг бандларини, новда ва

куртак тангачаларини (кобикларини) зарарлайди. Бу касаллик билан нок мевалари олмага кўра кучлиров шикастланади, уларнинг устида (олдин гул бўлган томонда, кейин ёнларида ҳам) доғлар пайдо бўлади, улар ўсиб катталашади ва қўшилиб, тўқ-кўнғир ёки қора тусли яралар ҳосил қилади, мева хунук шакл олади, чатнаб кетади. Каттароқ менвалар зарарланганда уларнинг устида думалоқ, кичик (эни 2-5 мм), тўқ тусли доғлар ривожланади. Баргларда доғлар ҳар икки томонида пайдо бўлади, улар кўнғир тусли, думалоқ, эни 5-10 мм. Барг ва мевадаги доғлар устида конидиялар фақат ёз охирида, нам об-ҳаво кузатилганида ва кам миқдорда ҳосил бўлади. Барг томирлари бўйлаб барг ва мева бандларида ҳамда ёш новдаларда доғлар кўнғир, узунчоқ шакилли. Новдаларнинг зарарланган жойлари пробкалашади, чатнайди, уларда конидиялар ҳосил бўлмайди ёки кам миқдорда кузатилади [3; 11-12-б.].

Тадқиқот ўтказилган жойи ва усуллари. Тадқиқотлар Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилди. Тадқиқотлар нокнинг 17 та навларида фенологик фазаларнинг ўтишини кузатиш Х.Ч.Бўриев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси” услубий қолланма (Тошкент 2014) асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Нок навлари ўрганилганда фенологик фазаларнинг ўтиши турлича бўлиб, жами 17 та навдан вегетацияни 8 та нав эрта бошлаган, энг кеч гуллаган Рояль зимняя, Левовассер, Зимняя нашваты ва Юбилейная каби навларни келтиришимиз мумкин.

Нок навларини ўрганиш даврида навларда куртакларнинг бўртиши кунларнинг эрта исиши туфайли эрта бошланди. Нокнинг Пахтакор, Вильямова, Косон нок, Десертная росошанская ва Мроморная росошанская навларида куртакларнинг бўртиши мос равишда 28 февралдан ҳамда 3 март оралиғида кузатилди. Қолган навларда куртакларнинг бўрта бошлаши 4-11 март оралиғида кузатилди.

Жорий йил фенологик кузатишлар шуни кўрсатдики гуллаш фазасининг бошланиши нок навларида 17-мартдан 6-апрельгача давом этди. Гуллаш даражасининг давомийлиги энг юқори 14 кунни ташкил этди (Жадвал 1).

Эрта гуллай бошлаган навлар: Мроморная росошанская 17-март, Пахтакор, Улуғбек, Десертная росошанская ва Старкримсон навларида 18 март, Косон нок, Ходжи нок ва Дилбар навларида 19 март кунлари кузатилди.

Ушбу навларда гуллаш бошланишидан то гуллаш тугашигача бўлган давомийлик 10-13 кунни ташкил этди.

Кеч гуллаган навлардан эса Тальгарская красавица навида 28-март куни, Лесная красавица, Маргарита Марилья навларида 26 март куни, Бере ранная Морретини нави ҳамда 3-13 дурагайида гуллаш 24-март куни кузатилди. Ушбу навларда гуллаш даражасининг давомийлиги 9-12 кун оралиғида бўлди. Қолган навларда гуллаш фазасини бошланиши 20-23 март оралиғида кузатилиб, гуллаш даражасининг давомийли 11-14 кунни ташкил этди. Гуллашнинг тугаши энг кеч нокнинг Лесная красавица, Сары гўзал, Тош нок, Маргарита Марилья, Бере ранная Морретини ва Тальгарская красавица навларида кузатилиб, бу навларда гуллаш фазасининг тугаши мос равишда 3-6 апрель оралиғида якунланди (1-жадвал).

1-жадвал

Нокнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навларида фенологик фазаларининг ўтиши ва ҳосилдорлиги

Т/р	Навлари	Фенологик фазалар				Ҳосил- лиги, с/га
		вегетацияни башланиши	қийғос лаш	меваларни қийғос лаш	ҳазонрез- лаш даври	
1	Вильямс	2/III	29/III	7/VIII	6/XI	21-25
2	Зимняя напшаты	5/III	31/III	8/X	10/XI	30-39
3	Куляля	1/III	29/III	5/IX	7/XI	35-45
4	Лесная красавица	12/III	31/III	16/VII	30/X	35-39
5	Любимица Клаппа	2/III	29/III	17/VII	27/X	23-28
6	Левовассер	2/III	6/IV	7/X	12/XI	20-23
7	Мраморная шпанск	8/III	21/III	5/VIII	25/X	30-38
8	Оливье де Серр	4/III	29/III	25/IX	5/XI	41-46
9	Подарок	3/III	29/III	26/VIII	5/XI	30-37
10	Рано	3/III	29/III	26/VIII	5/XI	48-53
11	Рояль зимняя	6/III	10/IV	6/X	11/XI	27-33
12	Сары Гузаль	11/III	29/III	15/VII	21/X	55-60
13	Салом	11/III	29/III	15/VII	27/X	62-65
14	Стар Кримсон	2/III	26/III	15/VIII	28/X	35-39
15	Талгарская авица	11/III	4/IV	17/VIII	4/XI	42-46
16	Эльсари	3/III	29/III	21/VIII	4/XI	23-26
17	Юбилейная	6/III	9/IV	6/IX	15/XI	66-73

Хулосалар. Хулоса қилиб айтганда нокнинг ўрганилган 17 навларида вегетация даврининг бошланиши феврал ойининг учинчи ўн кунлиги ва март ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келиб, навлар ўртасида 2-18 кун оралиғида фарқ қилади. Нокнинг 17 та навлари ҳосилдорлик кўрсаткичи ўрганилганда юқори ҳосилдор навлар қаторига – Сары Гузал, Юбилейная, Салом ва Рано навларини киритишимиз мумкин. Ушбу нок навлари 1 туп дарахтидаги мева ҳосил миқдори 48-73 кг ни ташкил этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Т.Э.Остонакулов, С.Х.Нарзиева. Мевачилик асослари-Тошкент, 2010. -Б. 18.
2. И.Ч. Намозов, И.Т. Нормуратов. 100 китоб тўплами Нок етиштириш 50-китоб, Тошкент-2021. -Б. 9.
3. Б.А.Хасанов, Р.О.Очилов, Э.А.Холмуродов ва б. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ҳамда уларга қарши кураш. Тошкент-2010. -Б. 11-12.